

## Эй уммат қиёмат яқин... (бешинчи мақола)



15:30 / 16.06.2020 3697

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ҳузайфа ибн Усайд ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўнта белгини кўрмагунингизча қиёмат қоим бўлмайди», деб туриб, ердан жонивор чиқишини ҳам айтганлар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис ёд олиб, ҳеч ёдимдан чиқармадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қиёматнинг биринчи аломатларидан қуёшнинг мағрибдан чиқиши ва одамларга добба-жониворнинг чиқишидир, буниси чошгоҳ пайтида бўлади. Қайси бири олдин чиқса, кейингиси дарров шеригининг орқасидан чиқади». Шу билан бирга,

муҳаққиқ тафсирчи уламоларимиз ушбу жонивор ҳақида кераксиз ва асоссиз гаплар кўпайиб кетганини, улар тафсир китобларимизга ҳам кириб қолганини, ишончли манбаларга суйанмаган гаплар бўлгани учун уларга эътибор бермаслик лозимлигини таъкидлайдилар. Қуръони Каримда ва саҳиҳ ҳадисларда келган хабарлар билан кифояланиш энг яхши иш. Қолгани эса, фақат Аллоҳ биладиган ғайб илмдир. «Қачонки уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир добба-жонивор чиқарамиз».

Бу «жонивор» оятда «добба» деб айтилган. «Добба» ер юзида аста юрвчи, деганидир. Қорни билан судралиб юрадими, икки, тўрт ёки сонсиз-саноксиз оёқлари билан юрадими, фарқи йўқ. Диний адабиётларда ҳам бу жонивор «доббатул арз» номи билан машҳур бўлган.

Демак, қиёмат яқинлашганда ўша жонивор чиқади ва:

«У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб берадир».

«Доббатул арз»ни одамларга гапиртиришдан мақсад уларнинг илоҳий оятларга иймон келтирмайдиган бўлганликларини билдириш экан.

Қандай қилиб айтишини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Имо-ишора билан тушунтирадими, ҳамма инсонлар тушунадиган тилда гапирадими ёки инсонлар унинг тилини тушунадиган бўлиб қоладиларми, биров бу ҳақда бир нарса билмайди. Биз эса, ушбу Намл сурасида ҳайвонларнинг одамлар билан муомала қилиши, гаплашиши кетма-кет келганига эътиборни қаратмоқчимиз, холос.

4.Қуёшнинг мағрибидан чиқиши.

Қуёш ўзи ботадиган томондан чиқади.

5.Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васалламни нозил бўлишлари.

Бу аломат ҳақида ҳам ҳадису-шарифлар келажак.

*(Давоми бор)*

***Islom.uz портали таҳририяти***